

БАХТ-ИТТИФОҚЛИКДА

Бутун гунё пролетарлари, бирлашингиз!



СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 155 (21. 022) 1991 йил 13 август, сешанба

Рўзнома йилига 256 марта чиқади.

Баҳоси 8 тийин.

СЎЗ — ЖУМҲУРИЯТ РАҲБАРЛАРИГА



Эртага
Тошкентда
Ўрта Осиё
жумҳуриятлари
ва Қозоғистон
раҳбарларининг
кенгаши
очилади.

Рўзноманинг
ушбу сони
қардош
жумҳуриятлар
халқларининг
дўстлиги ва
ҳамкорлигига
бағишланади.



И. КАРИМОВ,
Ўзбекистон ССР
Президенти

Тақдир ва толен муштарак, урф-одаги, турмуш тарзи деярли бир хил Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон ССР халқларининг дўстлиги, қон-қардошлиги тарихи узоқ, моҳияти эса ҳаммиса меҳр-садоқатга, биродарликка ва ўзаро ёрдамга асосланган. Улар доимо бир-бирларининг ютуқларига ўз ҳиссаларини қўшиб, тўй-маъракаларини биргалликда ўтказиб келишган. Бошларига ташвиш тушганда эса ёнма-ён туришган, ҳамма қийинчиликларни ҳамкорликда енгишган. Бунга тарихда жуда ҳам мисоллар кўп. Аммо, бу ҳамкорлик ва дўстлик ҳозирги мураккаб ва қийин шароитда ёрқин акс этаяётганлиги ҳаммамизга ҳам аён.

Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон ССР раҳбарларининг Олмаотадаги учрашувидан сўнг иқтисодий, ижтимоий, экологик ва маънавий соҳалардаги тангликни бартараф этиш йўлида янада қийнлашди, фаолиятларимиз бирлигига эришиб ва куч-гайратларимизни мувофиқлаштириш сари катта қадам ташланди.

Ҳозирги кунда Ўрта Осиё ҳудудига бешта республикага дахлдор ва уларнинг ҳар бири учун долзарб муаммолар кўп. Бугунги кунда биз бозор муносабатларига ўтмоқдамизки, у катта қийинчиликлар, жумладан, нарх-навонинг ошиши, озин-овқатнинг, халқ истеъмоли молларининг етишмаслиги, аҳоли турмуш даражасининг пасайиши билан боғлиқдир. Ғалла, қанд-шакар ва озиқ-овқат маҳсулотларидаги салбий балансни ҳисобга оладиган бўлса, бизларни кузги-қишки даврда оғир дамлал кутмоқда. Аҳолини ва корхоналарни ёқилғи, энергия, газ ва ҳоказолар билан таъминлашда жиддий муаммолар кўндаланг турибди.

Тошкентдаги кенгашда ана шу барча масалалар бўйича атрофлича фикр алмашилди ва ҳар бир жумҳурият аҳолисини ҳимоя қила оладиган биргаликдаги ечимлар ишлаб чиқиладди. Шунингдек, Иттифоқ шартномасини янмоллаш билан боғлиқ умумий ёндашуларини ишлаб чиқиш вазифаси турибди. Бу ўринда ҳам бизнинг жумҳуриятларимиз бошланғич аҳолини тенглаштиришда, аҳолиларимизнинг манфаатларини ҳимоя қилиш жуда муҳимдир. Келгуси 1992 йил ҳақида ҳам ўйламоқ керак.

Маданият, адабиёт, санъат соҳасидаги ҳамкорлигимизни ҳам янада ривожлантириб беришимиз, янги ёндашуларни излаш ва янги йўналишларни янмоллаш билан боғлиқ умумий ёндашуларини ишлаб чиқиш вазифаси турибди. Бу ўринда ҳам бизнинг жумҳуриятларимиз бошланғич аҳолини тенглаштиришда, аҳолиларимизнинг манфаатларини ҳимоя қилиш жуда муҳимдир. Келгуси 1992 йил ҳақида ҳам ўйламоқ керак.



Н. НАЗАРБӨЕВ,
Қозоғистон ССР
Президенти

Мамлакат учун қийин бўлган бозор муносабатларига ўтиш чоғида республикалар ўртасидаги бевосита алоқаларини иш юришмайди. Шу боис биз Олмаотада тузган шартномаларимизга улар барча иттифоқдош жумҳуриятлар учун очик, деб ёзиб қўйдик. Бу битимлар хорижий бизнесменлар, бошқа мамлакатларнинг савдо-сотиқ доиралари учун ҳам очикдир. Бизнинг ҳужжатларимиз бозор иқтисодиётининг қаттиққўл қондаларига бинаво тузилган. Ҳар бир республика аввало ўз ҳудудига яшовчи халқлар тўғрисида раҳбарлик курсатишга бурчлидир. Шу тўғрисида ҳам бутун мол айирбошлаш — тенг, муқобил, ўзаро фойдали асосда бўлади. Савдо ҳеч бир жумҳуриятнинг манфаатларига зийн эмас. Амалга олишарайтиган ишмиз федерацияни, бутун Совет Иттифоқини мустаҳкамлашга хизмат қилишига аминмиз. Бизнинг умумий фикримиз шуки, мамлакатда суверен давлатлар иттифоқи бўлмоғи керак. Ҳар бир жумҳурият марказга ўзи лозим топган ҳуқуқларини бермоғи мумкин, деган фикрда ҳам яқинлашдик. Бошқа барча масалаларда эса биз мустақилликка эга бўлишимиз даркор.

...Ҳамонки масъулият бизга юкланган экан, биз 20—30 йил олдинга назар ташлашимиз керак. Ҳозир Орлоли кўчаришнинг турли лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда... Лекин, менимча, Сибирь дарёларини буриш лойиҳасини ҳам четта суриб қўйиш мумкин эмас. Чунки бу иш Орлоли тўлағиш учунгина эмас, балки, халқ ҳужалиги эҳтиёжлари учун ҳам зарурдир. Чала қарорлар ҳозирча аҳолининг ўғланлигига жиддий таъсир кўрсатаётгани йўқ. Айрим қарорларни бажаришга эса ҳали ҳеч қим қилинган йўқ. Шунинг учун ҳам ҳозирча биз одамларга XXI асрда уларни нямлар кутаётганлигини айта олмаيمиз. Бироқ узоқ вақт жим туришга ҳам ҳақимиз йўқ... Республикаларимиздан сайланган халқ депутатлари мамлакат парламентида қатъийлик курсатилари лозим.


...Ўзбекистонда 800 миң нафар қозоқлар, бизда эса ярим миллиондан зиёд ўзбеклар истиқомат қилишадди... Бу кишиларнинг ҳар бири қўшни жумҳуриятда ўз иккинчи ватанини топган. Биз маъкур халқларнинг ҳар бири ўз анъана, урф-одат, расм-русум, маданиятларини сақлаб қолишлари учун қўлимиздан келган барча ишни қилмоғимиз керак. Бунинг учун эса куч-гайратларимизни бирлаштиришимиз даркор.



А. АКАЕВ,
Қирғизистон жумҳурияти
Президенти

Яқинда республикамиз мабгуотида қирғиз халқининг барча республикалар халқларига қарата дўстлик, ўзаро аҳиллик ва ҳамкорликка эришиш учун қилган муносабатини солинган идиш Қирғизистондаги энг баланд Хон Тангри чўққисига олиб чиқилгани ҳақидаги хабар босилиб чиқди. Гарчи бу иш рамзий маънода бўлса ҳам, аммо ушбу муносабат ҳозирги куннинг энг муҳим ва долзарб масалаларини қамраб олган. Республикаларимиз маънода мустақил бўлаётган, халқ ҳужалигини ривожлантириш, кишиларнинг моддий турмуш шароитини яхшилаш, уларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш марказда эмас, балки ана шу жумҳуриятларнинг ўзида халқ этилаётган, ҳаракат ва кучларни бирлаштириш зарур бўлган ҳозирги даврда халқлар дўстлиги ва ҳамкорлиги янги мазмун ва моҳият касб этмоқда. Республикалар ўртасида ўзаро манфаатли, иқтисодий ва маданий ҳамкорлик ўрнатилган ушундай ривожлантиришнинг муҳим шарт бўлиб қолди.

Республикалар янгилаётган Иттифоқ таркибида мустақил, тенг ҳуқуқли жумҳурият бўлиб қолаётган ҳозирги даврда халқимиз энг яқин қўшнилари — Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон билан иқтисодий ва маданий ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ҳақидаги шартномаларга айниқса катта эътибор билан қарамоқда. Қўни-қўшничилик, тилларнинг, табиий иқлим шароитларининг, урф-одатлар ва демография жараёнларининг бир-бирига ўхшашлиги, халқ ҳужалиги барча тармоқларида вужудга келган муаммоларнинг деярли бир хиллиги биргаликда ва ўзаро ҳамкорликда иш олиб боришни тақозо этади. Кучларимизни бирлаштиришга республикаларимизнинг иқтисодий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш ва фақат шу йўл билангина халқларимиз моддий ва маданий турмуш даражасини ўстиришимиз мумкин. Бунинг учун Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги ҳар томонлама алоқалар самараси ҳам кўрсатиб турибди. Республикаларимиз энгил саноат корхоналари ҳозир Ўзбекистондан салкам 70 миллион сўмлик маҳсулот олмақда. Келгусида бу миқдорни 73 миллион сўмликка етказиш ниятимиз бор. Қирғизистон ҳам ўз навбатида қўшни республикага зарур материалларни етказиб бермоқда. Шунингдек, фан, санъат, адабиёт, маданий маърифий муассасалар ўртасидаги алоқалар ҳам тобора ривожланиб бормоқда.



Қ. МАҲКАМОВ,
Тожикистон ССР
Президенти

Ишон пайдо бўлибдики, дўстлик, меҳр-оқибат каби фазилатлар у билан бирга. Энг қадимий ва ардоқли ҳислатлардан бири — дили, тили, урф-одати, турмуш тарзи, муаммоларигача деярли бир хил бўлган Ўрта Осиё халқлари орасидаги ана шу меҳру-муҳаббат, дўстлик ва оқибатдир. Миллатлар тенг ҳуқуқлилигини сўзлашмас, балки иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий соҳаларда тўла амалга ошириш талаб этилаётган ҳозирги кунда бу ҳислатлар айниқса алоҳида маъно ва мазмун касб этмоқда. Турмушимизнинг ҳамма соҳаларида барча миллатларнинг тенг ҳуқуқлигини таъминлаш май туриб, миллатлараро муносабатларини янада юксалтириш борасида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас.

Дўстлик — муштарак ишимиз барор олишининг асосидир. Бир ёқадан кеч қариб иш тутмасак, ҳамкорликдан кеч сак, ўзимиз эспаймиз деб хоналаримизга бичиб олсак, омад қўлдан кетгани шу бўлади. Кейинги йилларда Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон ССР янада яқинлашдилар, иқтисодий, фан-техника ва маданий соҳалари бўйича ҳамкорлик турғисидаги ҳужжатлар имзоланди. Бу ҳужжатларда халқ истеъмоли моллари, турли материаллар, хом ашёни ўзаро етказиб бериш даражасини ўтган йиллардангидан сира ҳам камайтирмасликка келишиб олинди. Шу асосда иқтисодий алоқаларимиз тобора кенгайиб бораверишига ишонч бор.

Ҳозир жумҳуриятимизда 80 дан ортқ миллилат ва элат вакиллари яшайди. Тожикилар билан жумҳуриятимиздаги 1 миллион 200 миңга яқин ўзбеклар орасидаги дўстлик айниқса мустаҳкам ва чуқур мазмунга бой. Ўзбеклар Тожикистон ССР ташкил топган дастлабки кунданок туб аҳоли ҳисобланганлар. Улар турғиёт параметида барча даражадаги аппарат ишларида, кўплаб раҳбарлик лавозимларида ишлаб келмоқдалар. Умуман жумҳурият ҳаётини ўзбекларимиз тасаввур этиш қийин. Душанбе шаҳрида Тожикистон ўзбекларининг маданият маркази очилганлиги холис ниятимиз тимсоли бўлди. Биз бундан кейин ҳам иккинчи ўртадаги дўстлик, ҳамкорлик, иқтисодий ва маданий алоқаларини янада мустаҳкамлашга ишонч билан келамиз.



С. НИЁЗОВ,
Туркменистон ССР
Президенти

Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон ССР раҳбарларининг Олмаотада бўлиб ўтган учрашуви, унда имзоланган ҳужжатлар шу ҳудуддаги жумҳуриятлар ҳаётини янги қуришни бош йўналишида, яқинликка эришишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ушбу республикамиз аҳолисини мамнуният билан қабул қилди. Туркменистон ССР Олий Кенгаши сессияси бу ҳужжатларни расмий равишда тасдиқлади.

Учрашувдан буён ўтган давр унинг ўз вақтида ўтказилганлигини, аҳамиятини ва қиммати катталлигини тасдиқлади... Ана шу давр ичиде биз қўшни республикалар, жумладан, Ўзбекистон ва Туркменистон жумҳуриятлари ўртасида амалга оширилиши мўлжалланган ишларнинг келиши олиган қўлларини обдинлаштирдик. Бунда айниқса Ўзбекистон ва Туркменистон ҳукуматлари вакилларининг Ашхабаддаги учрашуви роли катта бўлди. Кўп томонлама ҳамкорликнинг аниқ пухта ўйланган дастури ишлаб чиқилди, улар иккала республика раҳбарлари томонидан имзоланди. Дастур баравар шариқликка, тенгликка, ўзаро манфаатли фойда қўришга асосланган бўлиб, халқларимиз моддий турмушини яхшилашни, мавжуд муаммо ва қийинчиликларни бартараф этишни кўзда тутди... Ҳозир белгиланган режалар ичиде амалга оширилмоқда. Ўзаро иқтисодий ҳамкорлик ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олганлиги билан аҳамиятлидир. Республикаларимиз кўплаб корхоналар фаолияти бир-бири билан уйқашиб кетган. Биз Ўзбекистондан қишлоқ ҳўжалиги машиналари, экскаваторлар, рангли металл, прокат, қувурлар, қурилиш материаллари, ахтиёт қисмлар, газлама ва бошқа кўп маҳсулотлар оламиз. Уларни иқтисодийимиз «орак уруши»ни тасаввур қилиб бўлмайди. Аниқ пайтда қардошларимизга қурилиш материаллари, озиқ-овқат, кимёвий, ёнлиғ-мойлаш маҳсулотлари, машиналарнинг қисмлари, табиий газ етказиб берамиз. Ҳамкорликда корхоналар қурилади. Небиттоғда, Иолатанда пайпоқ тўқни, тринотаж фабрикалари қувватлари биргаликда ўзлаштирилади. Маридидаги машинасозлик заводи икки жумҳурият маблағ ҳисобига кенгайтирилади. Ўзаро дўстлик ва ҳамкорликни ўзида акс эттирган бундай мисолларимиз кўплаб келтириш мумкин. Ишончимиз комилки, беш республикамиз бир-бири билан узвий боғланган дўстлик ришталари бундан кейин ҳам мустаҳкамлашиб бораверади.

Олам аҳли,
билингизким,
иш эмас
душманлиғ,
ёр ўлунг
бир-бирингизгаким,
эрур ёрлиғ иш!

Алишер НАВОЙИ

Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон ноёб табиий иқлим шароитларига, бой имкониятларга эга. Улардан самарали фойдаланиш аҳолининг турмуш даражасини анча оширишга, фақат минтақамизимизгина эмас, шу билан бирга умуман мамлакатимизнинг кўпгина муаммоларини ҳал этишга имкон беради.

(Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон жумҳуриятлари раҳбарларининг 1990 йил 23 июнда Олмаотада имзоланган Баёнотидан).

Бу ота маконда биз бир-биримизсиз яшолмаймиз.

Чингиз АЙМАТОВ

ЎЗАРО ЁРДАМ, ҚАРДОШЛИК ВА БИРДАМЛИК

Қозоғистон ССР

Чимкент вилоятининг Сарноғоч райони Тошкент районига ёндош, жондош. Ушбу районнинг юзлаб меҳнаткашлари жумҳуриятимиз пойтахтида жойлашган В. П. Чаплов номи авиация ишлаб чиқариш бirlашмаси, «Миконд» ва Тўқимачилик комбинатида махсус автобусларда қатнаб ишлашади. «Тошкент», «Ленинград» шўро хўжаликлари далаларида сабзавот етиштирадиган, техникани сошлашда, уй-жой қурилишида қатнашади ва бошқа кўпгина соҳаларда турли миллат вакиллари билан баҳамли меҳнат қиладилар.

Шунинг динқатта сазоворни, ху-дудинида яшаётган аҳолининг турдан бир қисмини қозоқлар ташкил қилса ҳам бирон марта у қозоқ, бу ўзбек, деб айтилмаган. Сабоби — улар бир бирлари билан дусту-ошна, қўла-анда, жон қўшини бўлиб кеттишган. Қозоқ хонадонидан тўй бўлса, ўзбекча му-синга, қўшиқ эшитамиз. Дастурхон ўртада, фикр ўртада, мақсад ўртада, 850 ўрнили Абай номи мактабининг 60 фони ўқувчинини ҳам қозоқ ёшлари ташкил қиладил. Мактабининг миллий ҳаваскорлик дастаси хўжаликларга бориб кон-пертлар беришади. Сарноғоч ра-

Тўқин лик БЕЛГИСИ— БОЗОР

Йонига ҳам бориб туришади. «Ле-нинград» шўро хўжалиги ҳудудининг Тожибоев кўчасида жойлаш-ган 27-бошланғич мактабга Улуғ Ватан урушида жасорат кўрсатган Қозоқ ўғлини, гвардиячи-капитан Утей Кулибоев номи берилди. Худди шу мактаб ҳовлисида уруш-да ҳалок бўлган қардошларимиз хотираси учун ёдгорлик ўрнатил-ди. Мармар тахтага юзга яқин мард ўғлонлар номи зарҳал харф-лар билан ёзиб қўйилди.

5-полклинника шифокорлари ик-кала район аҳолиси учун тиббий хизмат кўрсатмоқда. «Ленинград» шўро хўжалиги «Бирлик» шўро хўжалиги билан борди-келди, ўза-ро иқтисодий алоқани мустаҳкам-лаш йўлида турли имкониятлар-

дан фойдаланади. Қишлоқ шўромиз эса қўшни районнинг Ленин қи-шлоқ шўроси билан ҳамкорлик қи-лади. Ободчилик, маданий-маъ-рифий соҳаларда биргаликда иш олиб боради. Масалан, бурноғи йили Собир Раҳимов номи жамоа хўжалигинида икки район уруш ва меҳнат фахрийларининг уну-тилмас учрашувлари бўлиб ўтган эди. Бу тадбир ёш авлодни ватан-парварлик руҳида тарбиялашда муҳим роль ўйнагани шубҳасиз. Бундан кейин шу каби мулоқот-ларни кенгайтириш ниятимиз бор.

Яна шуни ҳам таъкидлаш ке-ракки, ҳали юқорида айтганимдек, нафақат дастурхонимиз ўртада, балки бозорларимиз ҳам ўртада. «Шўро», «Қўтарақ» ва «Қоплон-бек» бозорлари дўстларимизсиз бефайз, бегаважум, қиммат. Ҳақ-да бозорни турмуш тарзининг ба-рометри ҳам дейишади. Бу гапга тўла қўшилман. Винобарин, бу-нга қўшимча қилиб: Бозор — халқ-ларимиз ўртасидаги таниш-би-лишликка, меҳр-оқибатга, мурув-ватга, қолареса, тўқинликка асос соладиган қадрли жой ҳамдир, дейман.

М. ОРИПЖОНОВ,
Тошкент районидagi Қиров қишлоқ шўроси ижроқўми раиси.

Қирғизистон жумҳурияти

Андижон вилоятида 70 мингдан зиёд қир-ғиз миллати яшайди. Ўзбеклар билан ака-уна бўлиб кетганми. Орамиқлар олар ва ўр-та махсус маълумотли мутахассислар кўп. Андижон педагогика институти жамоаси ора-сида ҳам қирғизлар кўп. педагогика-психоло-гика кафедрасининг мудри, доцент Т. Ҳасан-ов, шу кафедранинг катта ўқитувчиси К. Аб-дурахмонов, махсус фанларни ўқитиш мето-диқаси кафедрасининг катта ўқитувчиси З. Этамбердиев, алгебра ва информати-ка кафедрасининг катта ўқитувчиси, пе-дагогика фанлари номзоди А. Медатов, фалсафа ва илмий социализм кафедрасининг катта ўқитувчиси С. Маматов, умум-техника фанлари ва меҳнат кафедрасининг ўқитувчиси Н. Усмонов ва бошқалар. Мен ҳам ана шулардан бириман.

Андижон педагогика институтининг физика-математика факультетини битириб, икки йил ўрта мактабда ўқитувчилик қилдим, ҳар-бий хизматда бўлдим. Кейин мени ўзим ўқи-ган олий дароҳта тақлиф этишди. 15 йил-дан бери математика факультетинида ўқит-ган, кейинчалик катта ўқитувчи бўлиб ишлаб, «Математика ўқитиш методикаси», «Матема-тика тарихи» фанларидан дарс беришман.

Шу орада Москвада илмий текшириш ин-ститутларидан бирида аспирантурани тамом-лаб, педагогика фанлари номзоди деган ил-мий даражага эга бўлдим. Мен бунга ўзбек дўстларимнинг беғараз ёрдами тўғриси эришдим.

Институтимиз ўш педагогика институти билан алоқа болган. Ҳар иккала институт-да талабаларнинг илмий-назарий анжуманла-ри бўлиб туради. Келажакда бу яхши анъ-анани давом эттириш умидидамиз.

ИҚБОЛ ТОШДИМ

Қирғиз мактабиди ўқиган вилоятимиз Ёш-ларидан ҳар йили 15—20 нафари Андижон педагогика институтини қабул қилиниб, қўш-ни Ўш педагогика институтига ўқишга жо-борилди. Айни вақтда қирғизистонлик ўзбек йиғит-қизлардан 10 нафари Ўш институти-га қабул қилиниб, Андижон пединститутига жўнатилди. Бундай амалий ҳамкорлик ўза-ро дўстлик, қардошлик намунасибир.

Ўшда қўллаб ўзбек мактаблари, Андижон вилоятининг Қўрғонтепа, Жалолқудуқ район-ларида эса ўнга яқин қирғиз мактаблари ма-вжуд.


Ўшликлар билан дилимиз яқин, тилимиз ҳамоҳанг. Институтимизнинг 50 йиллик юби-лейи ўзбеклар билан қирғизларнинг тўйига айлино кетди. Ўшдан келган азият меҳмонлар ўқитувчиларимиз, олимларимиз шаънига илқ гаплар айтишди.

Яқинда республика матбуоти саҳифаларида ўқиб қолдим: қатагон йилларининг беғуноқ қурбони, биринчи ўзбек профессори аллома Абдурауф Фитрат ўз даврида «Раҳбарий на-тоқ» асариди — «Ҳеч шубҳа йўқки, одамлар ҳар хил дин ва маъзадан, ҳар хил қабила ва миллатдан бўлсалар ҳам, бир отанинг ва ягона жинсининг фарзанди. Бошқача қилиб айтганда, бир-бирларининг ака-укаларидир. Шундай экан, улар бир-бирларига муҳаббат-ли ва шафқатли бўлишлари шарт, яъни ўза-ро умумий биродарликни юзага келтиришлари керак», деб — ёлган эди. Нақадар тўғри, дилга етиб борадиган сўзлар... Ўша муқад-дас бурчин оғишмай амалга ошириб боришда биз — педагогларнинг ҳиссамиз ҳам бўлиши керак.

Искандар АДИШЕВ,
Бобур номи Андижон давлат педагогика институтининг катта ўқитувчиси.

Тўрт вилоят: Андижон, Фарғона, Наманган, ўш вилоятлари фахрийлари вакилларининг мулоқоти

Андижон, Фарғона, Наманган вилоятлари уруш ва меҳнат фах-рийларидан бир гуруҳи қардош Қирғизистоннинг қўшни Ўш вило-ятига дўстлик ташрифи билан бо-ришди. Ўш вилояти фахрийлари кенгашининг раиси Б. Ешимамбет-ов икки қардош эл дўстлигини мустаҳкамлаш ишида фахрийлар ҳиссаси, кексаларга ғамхўрлик тўғрисида гапириб берди. Ўша кун-ни меҳмонлар Ўш шаҳридаги қа-ровисиз қолган ёлғиз кишилар яша-ётган уйда ҳам бўлишди. Бу мас-кан илгари раҳбар ходимлар дам оладиган жой эди. Фахрийлар ке-наши ташаббуси билан очилган бу уй партия ва совет органлари ёрдамида қисқа муддат ичида



Мақсадимиз—эл тинчлиги

қайта жиҳозланди. Яшаш, овқат-ланиш, даволаниш учун қўлай шарт-шароитлар яратилди. Ёлғиз кишилар уйига маҳаллий шўро идоралари, турли кооперативлар, меҳр-шафқат уюмисаи моддий ёр-дам бериб турибди.

Ўш вилоятида 21 минг Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, 5 минг ногирон киши бор. Улар эл ардо-ғида. Вилотда уларга ҳолис хиз-мат кўрсатадиган 28 та дўкон очилган.

Ўш телестудиясида ўтказилган давра суҳбатда Ўш вилоят пар-тия қўмитаси масъул ходимлари, тўрт вилоят фахрийлари кенгаш-

ларининг раислари вилоятлараро дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, тинчликни барқарор этиш ҳақида фикр алмашдилар.

Меҳмонлар Сузоқ районидидаги «Коммунизм» жамоа хўжалигида, Бозорқўрғон районидидаги «СССР 60 йиллиги» давлат хўжалигида ҳам бўлишди. Бу хўжаликларда қилинаётган ишлар некса авлод вакилларига маъқул бўлди.

Биз ўрганса арзийдиган иш-ларни кўрдик. — деди Наманган вилоят фахрийлар кенгаши раиси Т. Аҳмадқўжаев. — Энди биз дўстлигимизни янада мустаҳкам-лашимиз лозим. Ўш, Ўзган воқеа-

лари сира ҳам қайтмас бўлиб кет-ди. Ўзаро ҳамкорлик, қон қардош-лик удуларисиз бундан буюри ас-ло яшаб бўлмайди. Одамлар онин-та мана шуларни чуқурроқ сит-қиритиш иқт воқеаларни бошидан кечирган, ҳаётий тажрибаси катта фахрийларнинг ваифасидир.

Суратда: тўрт вилоят фахрий-лари вакиллари ўзаро мулоқотда (чапдан ўнга) Наманган вилоят фахрийлари кенгаши раиси Тур-сунхўжа Аҳмадқўжаев, Ўш вило-ят фахрийлари кенгаши раиси Б. Ешимамбетов, Андижон вилоят Жалолқудуқ райони фахрийлари кенгаши раиси Н. Маматқўлов, уруш ва меҳнат фахрийси Х. Хайдаров, Андижон вилоят фах-рийлар кенгаши раиси Т. Қари-мова.

С. Пукасенко олган сурат.

Челек райониди-ги «Сўрети» давлат хўжалигида нақкаж-хори ўрнини пайти.



Аслида бизнинг Ўзбе-кистон билан алоқалари-миз азалдан яхши. Бирок, айниқса, бурно-ғи йил ёзда Урта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон халқ таълими вазириликларининг кен-гаш итказилиб, унда ҳамкорликнинг асосий йўналишлари, аниқ-раш-шани ишлаб чиқилгач, ўзаро муносабатлари-миз янада кенгайди ва мустаҳкамланди. Ўтган йили эса Ўзбекистон ва Қозоғистон халқ таълими вазириликларининг ўрта-сида икки томонлама шартнома тўзди. Шун-ге кўра халқ таълими соҳасидида ижодий алоқа-лар чуқурлашди. 1990—1991 ўқув йили-дан Қозоғистондаги олий билимгоҳларда 116 нафар Ўзбекистон-лик талаба, Ўзбекистон-даги олий билимгоҳ-ларда эса қозоғистон-лик 67 нафар талаба тахсил ола бошлади. Иккала жумҳурият теле-видениелери ўқувчи ва студент ёшлар учун те-

ТАЪЛИМ РАВНАҚИ УЧУН

лефестиваллар уюшти-ради, жумҳуриятлари-миз ҳудудларида эса дўстлик фестиваллари, ёшлар ва халқ таълими фахрийларининг турли тоифалари ўртасида вақ-тин-вақти билан Тошкент — Душанбе — Ашхабад — Фрунзе — Олмаота телекўприкларни ўтказ-иб турилади. Урта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон ўқувчи ҳам-да студент ёшларининг спартакиадаларини, турдош олий билимгоҳлар ўртасида му-шонарав ўтказиш йўл-га қўйилди.

Халқ маорифи соҳаси-да ҳам биргаликда амалга оширилши ке-рак бўлган ваифалари-миз кўп. Ўтган ўқув йи-лида Жамбул ва Чим-кент вилоятларида 72

корликдаги бадий ва ҳаваскорлик ижоди, дўстлик фестиваллари, олимпиадалар, мак-теб ўқувчилари, тала-балар ва педагоглар иш-тирокида телекўприк-лар уюштириш кўзда тутилди.

Ане шу тадбирлар-нинг барчаси жумҳу-риятларимиз ҳудудла-рида ўзбек ва қозоқ халқларининг тарихи, маданияти, тили, анъна-ва урф-одатлари сақ-ланиб қолиши, ўзаро яқинлашиши ҳамда ре-ванжи қолиши, ўзаро хизмат қилиши шубҳа-сиз. Этан, халқлари-миз қанчалик саводхон бўлса, миллатларимиз-нинг дунёқараш уса, миллий кадрларимиз кўпайса, куч-қудрати-миз ҳам шуналик оши-б, мушарак згзу-мақсад-ларимиз, орзу-умидла-римиз рўйбега чиқа-веради.

62 та аралаш мактаблар фаолият кўрсатди. Улар-да 60 мингдан зиёд ўқувчи ўқийди. 22 та мактабга тарбия му-ассасаларида эса икки мингдан ортқ кичкин-тойлар тарбияланади. Шу боис маъзур вило-ятлардаги ўзбек мак-таблари учун биз Ўза-бекистондан қарийб 292 минг нуҳсада 80 нома-дади дарслик ва ўқув-маъодик адабиётлар ол-дик. Ўзбекистонга эса қозоқ тилидаги маъ-таблар учун 122 нома-дади қарийб 1 миллион 244 минг нуҳсада дар-слик ҳамда ўқув-маъодик адабиётлар юборилди. Яқин вақт ичида Урта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон кунларини, ўқувчи ёшларининг ҳам-

Ш. ШАҲМАТОВ,
Қозоғистон ССР халқ таълими вазири.


БИР ОИЛА ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

Мен асли Тошкентда туғилганман. Ота-бобом кўнчилик билан шуғулланишган. Қатагон йилларининг мудхиш шарпеси бизнинг хонадонни ҳам четда қолдирмади. Қов-қов бошланиб кетган, ои-ламиз Туркистон шаҳрига кўчиб кетишга мажбур бўлган. Мен ўшанда гўдак бўлганман. Ешлигим қозоқ болалари билан ўтди. Шунинг учун қозоқ тилида бежалол гаплаша оламан. Мактабни тугат-гач, ТошДД журналистика факультетини, кейин-роқ эса Низомий номидаги педагогика дорил-муаллимини тамомладим. Ўқитувчилик қилаётган-мига ҳам 25 йил бўлди. Ўзбек мактабиди она тили ва адабиётдан дарс бераман.

Биз яшаётган кўча Аҳмад Яссавий мақбарасига яқин. Мен у ерга тез-тез бориб, мақбарани зий-рат қилишга келган юртдошларим билан суҳбат-лашиб тураман. Қозоқ динидаги сўлим жойлар-дан бири — Турбат қишлоғида эса Аҳмад Ясса-вийнинг энг яқин шогирди бўлган Исмоил ота мақбараси дони сайёҳлар билан гажум бўлади. Мен бу ерда ҳам қозоқ ва тошкентлик ўзбек дўстларим билан қимизхўрлик қилганман, шифо-бахш бўлоқ сувларидан тўйиб-тўйиб ичганман.

Туркистонда бевосита оилавий борди-қалди қи-ладиган қадардонларим кўп. Улар йўлдошим асли тошкентлик бўлгани учун уларниқида тўйли, маъ-раками ўтказилса Эсонбой, Хўжа ака каби яқин-ларим билан бирга бораман. Улар ҳам шундай. Бошқа ёқда билмадим-у лекин бизнинг Турки-стонда «у ўзбек, бу қозоқ» деб миллат ажратиш-ларини шу ёшга кириб эшитмаганман. Бундай бў-лиши ҳам мумкин эмас. Чунки икки миллат ўрта-сидаги ҳамдардик, ҳамнафаслик, қўла-андачилик бир оила фарзандларидек яшашни тақозо этади.

Азмиюн ҲОЖИМУРОВОВ,
Ўқитувчи, Туркистон шаҳри.



● Овулниинг сулуви уриқ йигира...

● Бирлашган дарё бўлаур, Тарқалган ғрмоқ бўлаур.

● Ҳамжиҳатлик — давлат, Ёлғизлик — кулфат.

● Кенгашганга кен дунё, Талашганга тор дунё.

● Айрилган тўзди, Бириккан ўзди.

УМУМИЙ ФАРОВОНЛИГИМИЗ ТАРОВИ

Тожикистон ССР КАТТА ЙЎЛ БОШИДА

Хўжалигимиз энг йirik жамoa хўжаликларидан хисобланади. Аҳолининг асосий қисми ўзбек миллатига мансуб. Ҳаётининг кўп қисми: пахтачилик, чорвачилик, сабзавот ва боғдорчилик дарамадли тармоққа айланган. Деҳқончиликда ишлаётган кишиларнинг ойлик иш ҳақи ўрта ҳисобда 2850, чорвадорларники 4140, механизаторларники 4460 сўмданга тўғри келади. Кишиларимиз ҳалол меҳнатлари эвазига фаровон турмуш кечираётган.

Жамоамизда «Биз қайта қуришни бундан 10—15 йил бунун бошлаворганимиз», деган гап юради. Бу улари турмуш шунчаки маънавийлик эмас — ҳақиқат. Хўжалигимиз иқтисодий-иқтисодий ўсишни сиқчилаб кутатган киши бунга ишонч ҳосил қилади. Бунга юзага келтирган омиллар ҳақида гапирарман. Бизда аввало ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаси илмий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам пухта-пишиқ режалаштирилган. Моддий ва маънавий рағбатлантириш яхши йўлга қўйилган. Тежамкорликка қаттиқ риоя қилинади. Биргина биофабриканинг самарали фаолияти хўжаликка ҳар йили 2 миллион сўм иқтисодий фойда келтирмоқда.

Шу аснода яна ўйга толеман: бозор иқтисодиётига ўтган чоғимизда бизга ҳозиргидек техникани, эҳтиёт қисм ва ўқитиш, ёқилғини қиммат қилиб беради? Биз маҳсулотимизнинг қанчасини, қанча сотамиз? Ҳўш, шартнома ҳам туздиқ, дейлик. Унда мажбурият шартлари томонларнинг бири тарафидан бажарилмаган қолса? Фараз қилайлик, қай бир ташкилот вакили 1 сентябрда биздан 500 тонна пўст сотиб олишга келди. Лекин, бир кунга кечиниб келган. Бир кун бадалда моллар озилантирилди, ларварий қилинди. Уша ҳароати учдириб берадиган ҳакам қани? Бозор иқ-

содиётига ўтилган, керек бўлган транзитни ўша пайтнинг ўзида «Сельхозтехника»дан ололашимиз! Бунга қим қаролат беради?

Масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Ҳозир фақат оғиздагина амал қилаётган «иқтисодий мустақиллик» яна давом этмасмикан? Битта «кенг фаолият учун руҳсатнинг» ортида нечталаб «мумкин эмас», «қондага хилофлар» бор. Утган йили марказда пландан ташқари тўртинчи навба қабул қилинган пахтачини чет элгана билан келишдик. Иш пишганда «фойданинг 90 фоизи давлат бюджетига қолгани сизларга», дейишди. Ие, бу қанақа иқтисодий мустақиллик! Тоқайгача қўл-оёғимизда арқон очилмайди? Бундай муаммолар аминманки, қардош Узбекистонда ҳам кўп.

Биз Тожикистон жумҳуриятининг

ўзбек деҳқонларимиз. Тожиқ дўстларимиз билан қўлини қўлга бериб меҳнат қилашимиз. Турмушнинг иссиқ-совуғини, аччиқ-чучуғини беҳад кўриб келяшимиз. Урф-одатимиз, қолаверса динимиз бир. Қуда-қудагай бўлиб кетганимиз. Айрим ҳолларда қулқоқча чалиниб қолувчи совуқ гаплар бу икки халқ кўнглидан эмас, айрим четдан тош олувчилар оғзидан чиққан гаплар. Асосиз, бўхтон гаплар.

Биз бунунги кунда бозор иқтисодиётига ўтишдек катта йўл бошига чиқдик. Унга ўтилган, кам таъминотли ва серфарзанд оилалар моддий жиҳатдан қийналиб қолиши ҳозирдан кўриниб қолди. Шу сабабли биз бозор иқтисодиёти ички имкониятларидан фойдаланиш йўллари ҳам қидириб топилмади. Бунга фақат бир-галикда, ҳамкорликдагина эришилади.

А. САМАТОВ,
Ленинобод вилоятидаги Ленин номи жамоа хўжалиғи раҳбарисини раис, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.



СУРАТДА: Хўжанд районидagi Ҳамзаалев номи давлат хўжалигида узум узати пайти.

В. КОВЕЛИН олган сурат.

Туркменистон ССР ТАШВИШЛАРДА ҲАЛОВАТ БОРДАЙ

Икки йил муқаддам «Туркменбурггаз» трестда бошқаришнинг янги усулига ўтиш хусусидаги масала кўтарилди. Ушанда О. Шолiev ижобий ўзгаришларнинг энг фаол қўллаб-қувватлаб чиққанлардан бири бўлди. Бу тадбир-



масаласини ҳам ҳисобга олайлик. Қарангки, кўрсаткич — янги техникани жорий этиш шу туйфали эришилган иқтисодий самара уч миллион сўмни ташкил қилган. Бу рақамга нисбатан Отаболли меҳнат қилаётган Жанубий Туркменистон разведка-бургулаш бошқармасининг натижалари анча юқори.

— Партида СССР халқ депутатлари этиб сайланганидан сўнг, — дейди О. Шолiev, — мажмур муаммони ҳал этишга ҳаракат қилилган. Биз янги бўлмас-да, қўллаб ишлаб чиқариш белгилари бўйича жаҳон даражасига кўтарилиш ниятидамык.

Ҳамсуҳбатим айтаётганларнинг асл маъносини яхши билади. Унинг ўзи яқин пайтга «ё у...ёни бу» дан бирини танлашни лозим эди. У иккинчисини лозим топди. Тошларнинг барбод бўлишини, бунинг учун бошларини силамасликларини, «қаҳрамон, сенга нима бўлди?» дея тиканли лўғалар санчиб олишларини аввалдан билган ҳолда шундай йўл тутди.

Ватамиз машинасозлигининг энг сўнги ихтироси ҳисобланган «Уралмаш — 5000 ЭУ» бургулаш ускунасини мамлакатда биринчи бўлиб Туркменистон бургуловчилари олишди. Ҳўш, қим ҳам иш ҳақидан йўқотишни, муқофотдан мажмур бўлишни бошлиқлардан аччиқ гап эшитишни истайди? О. Шолiev шундай йўл тутди. Табиғики, у аввало шероғи Мардон Қовусов ва бригада аъзолари билан келишиб олди.

Аммо муаммолар кам эмас.

— Қонларни тартибга келтириш масаласини олайлик дейди Отаболли. — Бу давлатга қарши тақомилга айланиб қолган. Хўжалик ҳисоби муносабатлари чек системаси бўйича йўлга қўйилган тадбирда ҳам, агар ажратилган ресурслар биринчи навбатда давлат бурютмасида кўзда тутилган ҳамини қопламаса иккинчидан «ямоқча» ўшабу узуқ-юлуқ — маромсиз келиб турса, у қандай ўзини оқласин?

Отаболли етакчилик қилаётган бригада ҳақида жуда кўп ибратли гапларни эшитганман, синовларни ўтказувчи тажрибхона ҳам, кадрларни тайёрлаш мактаби ҳам, деб аташди. Буларнинг ҳаммаси бургуловчилар новатори ишга берилган дастлабки баҳо.

Н. СУХОМОЗСКИН



СУРАТДА: Уратена трикотаж фабрикасининг моҳир ишчиси Обид Набиев. Қ. АБҒОНОВ олган сурат.

ДЎСТ БИЛАН ОБОД УЙИМ

1989 йилининг ўша муҳим 23 январь тонги ке- чағидай ёдимда. Шарора, Онулибобо, Онулибоб, Қоралич, Биринчи.Май кишиларидagi уйлар, социал.машиной, маъмурий бинолар, мактаблар тудай тўйилиб; атиги бир неча дақиқа ичида тул- роқ тепаларга айланган.

Зилзила оқибатларини тугатишда биз йлғиз эмаслигини дастлабни нуларданояқ яқил сез- дик. Зилзила тўс.тўполони ҳали босилмай туриб, қардош Узбекистоннинг қўшни Сарнисий ноҳия- си парти ва совет-ташкилотлари раҳбарлари би- ринчи бўлиб, ҳолимиздан хабар олгани этиб ке- лишди. Ён қўшни — жон қўшни, деб шунга ай- тишса керакда, улар ноҳиямиздан қайтиб негизи- ган нунинг эртасигаёқ Сарнисийдан 30 та вагон уй этиб келди.

Узбекистон хунуматининг бошлиқлари зилзила содир бўлган жойда бўлишлари бизга катта ру- ҳий мадад бағишлади. Улар Узбекистон жумҳури- яти ноҳиямизда зилзилада бошланасиз қолган ои- лалар учун 100 та уй, мактаблар, социал.машиной бинолар қуриб бераганини айтишди.

Карл Маркс номи жамоа хўжалигининг Онули- боло ва Биринчи Май кишиларида бошланасиз қолган оилаларга узбекистонликлар қуриб бера- диган уйлар учун ажратилган майдонда тез ора- да қурилиш ишлари бошлаб юборилди.

Бу ерда 400 ўнучага йўлланган мактаб, 140 ўринли болалар боғчаси, 300 ўринли клуб, чойхо- на, ошхона, озиқ-овқат магазини қурилади.

Ҳисорликлар учун шундай оғир дамларда ис- сиқ жойдан, оиласидан йироқда нечани,неча, нуназдан, нуназд дараж меҳнат қилаётган қардош ўзбек халқи вакиллари бўлиши қувручиларга ни- шларимизнинг миннатдорчилиғи беҳад. Зотан, посилна номи «Узбекистон» деб аталганининг ўзи ҳам меҳр,муҳаббатимиз, чексиз миннатдорчи- лгимизнинг раъизидир.

М. ТОНИНБОВ,
Ҳисор район Совети ижроия кўмитаси раисининг ўринбосари.

ЯНГИ БОСҚИЧ

Тожикистон ССР Фанлар академиясининг ака- демиги Ҳ. М. САЙДУРОДОВ билан суҳбат.

— Давлатлар ўртасида- ги иқтисодий-сиёсий му- носабатлар ҳеч қачон или-фан ақлини четлаб ўтмайди. Муҳтарам Ҳа- бибулло Муродович, ай- нисиз қои-қардошликни ривжолантиришдаги ва- жибанас қилган ба- зармас жумҳуриятларимиз оилалари бун яхши ҳис- қилдилар, шундай эмас- ми?

— Жуда тўғри. Келинг, суҳбатимизни аниқ де- лил ва мисоллар асоси- да қурайлик. Аввало, То- жикистон ССР Фанлар академияси билан Ўзе- бкистон ССР Фанлар ака- демияси ўртасидаги ил- мий ижодий ҳамкорли- ки тўғрисидаги шартнома банд-банд бажариб борилаётганлигини таъ- кидлаш лозим.

Ҳар икки академия- нинг иқтисодий фанлар бўлиmlари ўртасида ту- зилган ахдлашува му- авофиқ ўтган йили «Ай- ний ва Бухоро халқ де- мократик инқилоби» ма- вузунда аниқлиқлик ва- зифалининг 70 йиллиғи- га бағишланган ил-

мий сессия ўтказил- ди. Тожикистон ФА Тарих, археология ва элшунослик илмгоҳи- да Узбекистон ФА Ар- хеология илмгоҳи, СССР ФА Шарқшунослик ва Археология илмгоҳлари, Давлат Эрмитажи илмий ходимларидан 70 киши қатнашган археологик из- ланишлар натижаларига бағишлаб конференция ўтказилди. Қардош рес- публикаларнинг биолог оилмлари ўртасида ҳам илмий ҳамкорлик сези- ларли даражада ривож- ланган.

Тожикистон ССР ФА Зоология ва паразито- логия илмгоҳи олим- лари Ўзбекистонлик ҳамкасблари билан бир- га гўзани, мөва ва саб- завотни зарарли ҳаша- ротлар, касалликлардан ҳимоя қилишни тако-

миллаштириш ва жо- рий қилиш бўйича қўш- ма тадқиқотлар ўтқа- зишмоқда. Гўза зарар- қунанделарига қарши кузатув ишлари ва тад- бирлар ўтказиш ма- вузунда биргаликда қўл- ланма нашр этилди.

Узбекистон ССР ФА Усимликлар моддалар қимбеси илмгоҳи билан ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага мувофиқ Помир биология илм- гоҳи ходимлари қўшни республикада илмий-амалий тадқиқотлардан ўтишди. Ҳазир Помир- да усадган ўсимлик- лардан турли касаллик- ларга қарши моддалар ажратиб олиш фаоли- гини ўрганиш бўйича синовлар ўтказилмоқда.

Душанбе шаҳрида ўт- казилган энергиянинг

янгилашган ноанъа- навий манбалари ва улари халқ хўжалигида ишлатиш мавзусига доир минтақавий илмий ке- наш олимларимизда катта таассурот қолдир- ди.

Тожикистон ССР ФА Геология илмгоҳи УзФА Ҳ. М. Абдуллоев номи- да Геология ва гео- физика илмгоҳи билан тузган шартнома дои- расида Ўрта Осиёнинг магматик формациялари хусусида илмий өқи- млар ишлаб чиқди. Бу каби тадбирлар оли- мларда ҳар икки респу- блика равақи учун кўп- роқ ҳисса қўшиш, мод- дей ва маънавий бой- ликларини орттириш учун қайғуриш ҳиссини ор- ттирмоқда.

Таассуфки, ўзаро ҳамкорлик ва дўстлик ҳақида батафсилроқ фикр юритиш учун вақти имкон этишмай- ди. Аммо бу аруу туй- гуларга дилимизда со- диқ бўлсақ, ҳар қандай муаммоларнинг илмий өқиmlарини осонроқ топамиз.

Отаболли ишчига хос тарғиб қилди: «Эски- часига ишлаганда яхши бўлмади. Эс- лаб кўрин, газнинг фаолиғи намён бўлган пайтда қундалик маром билан вахтани ўтай оламизми? Жилла курс, портлаш рўй бер- маслиғи, вазият назоратдан чиқиб кетмасли- ги учун куч-гайратимизни икки-уч ҳисса оши- рилишимиз лозим бўлади. Бизнинг халқ хўжа- лигимиз бошидан кеираётган ахвол қудуқда- ги фаоллашган газга қараганда хавфсизми- кан?»

Трестда 900 ходимни, жумладан 7 бургу- ловчи бригадани қисқартиришга тўғри келди. Шундай экан, бу — ишлаб чиқариш ҳажми, иш сифати ва ниҳоят техника хавфсизлиғи- га янндий таъсир кўрсатмасдан қолмаса ке- рак.

Қизғин шундаки, — деб таъкидлайди О. Шолiev, — барча асосий техникавий-иқтисо- дий кўрсаткичларни ундалдик. Ҳатто, кейин- ги қатор йиллар мобайнида биринчи маро- таба жуда «мажор» саналган қидирув-раз- ведка бўйича қавлаш ишлари адо этилди. Ҳар бир бригаданинг иш ҳажми сезиларли равиш- да олди, ҳалокат қамайди. «Қисқартириш» натижасида трест 8,5 миллион сўмдан ортқ фойда ақурди. Бу — 5,5 миллион сўм қўшим- ча наф.

Устанинг гапларидаги гурурли оҳанглр тушунарли. Бирок, адолат юзасидан яна бир

СУРАТДА: икки девр учрашуви. В. ЗЛЕНКО олган сурат.



АНЪАНАВИЙ ҲАМКОРЛИК ДАВОМ ЭТАДИ

Туркменистон ССР Олий Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган сессиясида муҳим масала кўриб чиқилди. Бунда асосий эътибор мустақил давлатлар Иттифоқи тўғрисидаги шартномани имзолаш масаласига қаратилди. Сессия шартномани маъқуллади ва Туркменистон ССР Президенти С. А. Ниязовга мажмур шартномани имзолаш ваколат- тини берди.

Сессияда Туркменистон ССРнинг Ўзбекистон ССР, ва Қирғизистон жумҳурияти билан дўстлик ҳамда ҳамкорлик тўғрисидаги шартномалари ҳам тасдиқланди. Бу шубҳа- сиз, Ўрта Осиё халқлари ўртасидаги дўстлигини ва ҳам- корлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Тулпорларни алдириб, қуондек учган мард ўғлонларни кўрганимиз? Агар бундай манзарага дуч келма- ган бўлсангиз, Балки киноленталар тасвирдан томоша қилгандирсиз. Қандай завқли бу манзаралари! Ҳа, табиат инсон учун инъом этган бу жониворлар азал-азалдан одамлар- нинг ҳақиқий дўсти, қаноти, мардо- на мададкори бўлган эди.

Бедов отлар ўтмишда ҳамма халқ, эл-элатларнинг, айниқса, туркмен- ларнинг чинакам қаноти бўлган. Уни олиш дензалига бешкаст элган, ях- ши ва ёмон кунларда хизмат қил- ган, садоқатда дўстидан ортқироқ меҳр-оқибат кўрсатган. Шу босдан отлар хусусида достонлар, мақо- ллар, нақллар яратилган. Буюк Мах- тумқули ҳам

Юраклари от бошидек йиғитлар, Хотиндан паст от, ағри бўлмас, деб таъбир этар экан, унинг инсон учун нечоғлиқ заруратини дилдан баҳолаган эди.

Туркман тулпорлари, айниқса, Ахлатка отлари ўзларининг гузал- ликлари, айниқса чопқирликлари билан донг тарватганлар. Уларнинг са- доқати, мардлиғи, чидамлиғи эса ҳар қандай кишини лол қолдириб келган. Бу ўринда олис ўтмишда яшаган қадимги парфияликлар мас- сагаётлар, дахлар ҳам туркман тул- пори ҳақида гапирар туриб «Худо бу юртга яхши отлари мард йиғитларни инъом этган экан», деган баҳоларини

эслашининг ўзи кифоя. Мозийга яна бир назар ташла- лик: жаҳоннинг машҳур синчилари Ахлатка отларини энг ноёб мажур- дот деб билганлар. Уларнинг бу бо- радиги фикрларига далиллар келти- рилар экан, дунё миқёсидаги энг машҳур инглис ва араб отлари ҳам ахлатка отларининг авлодларидан тарқалгани айтилади. Профессор В.

Витнинг таъкидлашча, ахлатка от- лари дунёдаги энг тоза қонли от- лардирлар.

Лекин турли деврларда бу отлар ўз баҳосини ололмади. Айниқса туркуник йилларида улар қўллаб- қириб юборилди. Ҳатто жумҳурият- да ягона Ашхободада «Комсомол» йилкичилик заводига ҳам бунга де- ярий эътибор берилмай қўйди. Оқи- батда жойларда отларга нисбатан меҳр-муҳаббат йўқолиб борди.

Эндиликда отга бўлган муносаба- ти бутунлай ўзгаришиш пайти кел- ди. Кейинги пайтда бу борада бироз сезиларли силжиш пайдо бўлди.

Кўпчилик хўжаликларда Ахлатка отларини кўпайтиришнинг истиқбол- лари очилди. Ашхобод — Москва иккинчи от юришининг ўтказилиши унга бўлган ҳурмати анча оширди. Ушбу юришда 28 от иштирок этди. 63 кун мобайнида 3200 нақиримли йўл босилди. Отларимиз оғир си- новлардан муваффақиятли ўтиб, Қор- рақум, Устюрт секрларида ўзлари- нинг юксак чидам ва бердошга эга эканликларини яна бир марта нақо- ён этдилар. Ашхобод — Қарри- қалпа, Ашхобод — Кушк — Ашхо- бод — Кушк Ургач от юришлари ҳам бун яна бир қарра исботлади.

Жумҳуриятимизда Емрут отларни парвартиришга ҳам эътибор берил- моқда. Бу отлар ҳам чидамликда узоқ йўл босишда бебаҳоdir. Бун- ни қўнғайги мисолда бебаҳоdir. Бун- ни қўнғайги мисолда бебаҳоdir. 1988 йилдаги Ашхобод — Москва от юришида Сўғун деган 19 ышли ва- мут оти қатнашди. Унда 64 ышли Норбой Ражабов бу йўлни ҳеч қий- налмасдан босиб ўтган эди.

Кўриниб турибдики, Ахлатка, ва- мут отлари туркман халқининг чина- кам ифтиқоридир. Шунинг учун ҳам халқимиз уларни беқийс эъзозлайди. ўз навбатида отлар ҳам жаҳон бо- зорларида узоқ масофаларга юриш- ларда туркман элининг обрўсини, шарафини оширишга беқийс хизмат қилмоқда.

Овездурди НЕПЕСОВ, ёзувчи.

Туманбой МУЛДАГАЛИЕВ.

(Қозоғистон)

ЎЗ ОҒАМ

Қозоғу ўзбек қадим қондош, тайим, Бу туйғу динга сурур берар майим.

Қозоғ йўқдир Ҳамзани ўқимаган, У машаалдир — ўгли йиллар яқрираган.

Ҳар шоир сўз ечади ўз юртдан, Яхши шеър дўст кўнглини этади ром.

Уз кўнглим уфидида мен бир чақиман, Бахт-омад қайда бўлса, мен яқиман.

Қалбимни далам каби кенг қиламан, Улуғларни тоғларимга тенг қиламан.

Навоий, Абай назмининг ой-қушин, Таллинманзи биз уларга қайнаб-тошиб.

Ўзбеким, ўз оғамсан, чин бу сўзим, Эргашиб кам бўлмади, топдим тўзим.

Мехр бу — ҳеч миннат қилмаганман, Топилмас Шарқда уни билмаганлар.

Ўзбеким, яша доим дорилмомон, Кўрмасан бот-бот кўмсаб-соғинаман.

Уртада тўйларимиз, ўйларимиз, Қаторда муносибдир бўйларимиз.

Уртада баҳам орузу, қувонч, азоб, Сен борсан, ҳеч ким мени этмас мазок.

Гинам йўқ, сен оғаман, тугишгансан, Тилгаим — эзгуликка юрак қонсин.

БИРОДАРЛАР МУШОИРАСИ

Суюнбой ЭРАЛИЕВ.

(Қирғизистон).

ОТАМ ҲУЗУРИГА БОРГАНДЕК...


Гоҳ ҳасрат номиди бўйисам баҳол, Чикаман — яйловлар очиди қучоқ.

Замин ҳидин туйсам — гуссалар абас, Улар юрагимдан кетган тарқалиб.

Ҳайт бу ҳайт-да. Мудом кўлмас бек, Тасалли топмасам ўқинч бешга.

Улар ҳикматиға йўғрилади дил, Рўқим равшан-тортар, дунё ҳам бруг.

Мирпўлат МИРЗО таржималари.



Тогли Бадахшон манзаралари. Қ. АВҒОНОВ олган сурат.

Гулрухсор САФИЕВА. (Тожикистон)

СУЯНЧИҚ

- Кеча-кундуз уйқусиз тутиб турган ерим ким! — Деҳқон кифти заминнинг таъғоғи бўлгуси.

Улмас ЖАМОЛ таржимаси.



Ота Гурбангулиев — моҳир зергарлардан бири. У жуда кўплаб халқро ва Иттифоқ кўргазмаларида муваффақиятли катнашиб келмоқда. Суратда: О. Гурбангулиев қизи билан. К. НАЗАРОВ олган сурат.

Қора СЕЙТЛИЕВ. (Туркманистон)

КЎЗГУ

Ўзбек хонадони тўй бошласа гар, Унда Маҳтумқули сазн жангарлар.

НАЗАРМАТ (Ўзбекистон).

ЭЛЛАР МЕҲРИ

Ховос билан Уратепа орасида бир чапан, Қадим эрди Мирзачўлининг бир чеккиси, қоқ маскин.

Бунда Гафур, Турсунзода дил куйлари, фарди бор. Бунда унган Раҳим Жалил, Жавҳарийлар армони.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатида

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатининг яқинда бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида «Халқ сўзи» газеталари таҳририятининг фаолиятини янада такомиллаштириш билан боғлиқ бир қанча масалалар кўриб чиқилди.

Молия вазирининг биринчи ўринбосари Т. Н. Гуськова, В. И. Ленин номида Тошкент Давлат дорилфунуни ССР халқлари адабиёти кафедрасининг мудири Л. П. Қоимова, «Ўзбекистон матбуоти» журналининг бош редактори Э. И. Есенбоев, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатининг аъзолари Э. Х. Халилов, Р. Х. Абдуллаев, П. Қ. Ҳабибуллаев, Ғ. З. Захриддинов, Э. Н. Хўжаев, Ш. Қ. Қодиров ва бошқалар ахборот берди ва газеталар таҳририятини фаолиятини янада яхшилашга доир тақдирларни айтдилар.

риш мақсадида, шунингдек, Олий Кенгашнинг позициясини тағин ҳам изчиллик ва собиқтадамлик билан тасдиқлаш, газеталарнинг уларнинг олдиға қўйилган умумий вазифалар бажарилишини таъминлаш заруриятини эътиборга олиб, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсати «Халқ сўзи» — «Народное слово» газетасида эълон қилинадиган материаллар асосан бир-биридан таржима материаллари бўлади, деб белгилаб қўйди.

одоби комиссияси тўғрисидаги Низом ҳамда депутатлик одоби қондалари қабул қилинди. Бу ҳужжатларни ошкоралик ва депутатлик одоби комиссиясининг аъзолари тайёрлаган ва шу комиссиянинг бир қанча комитетлар ва Ўзбекистон ССР халқ кенгайтирилган мажлисида олдиндан кўриб чиқилган эди. Депутатларнинг кўпгина тақлифлари, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши ва унинг органлари фаолиятининг тажрибаси бу ҳужжатларда мужассамлашган.

УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЖАМҒАРМА ТАЪСИСЧИЛАРИНИНГ АНЖУМАНИ

9 август кун Тошкентда Улуғбек номидаги Ўзбекистон республика жамғармаси таъсисчиларининг конференцияси бўлиб ўтди.

Унинг қатнашчилари жамғарма ташкил этилган пайтдан буйв ўтган қисқа муддатда истеъодли ёшлар уювун кўпгина фойдали ишлар қилинганини таъкидладилар. Иختисослаштирилган синфлар ва мактаблар очилди, уларида математика ва физика, иқтимоий фанлар чуқур ўрганилмоқда. Улуғбек номидаги жамғарма шу мактабларда дарс бераётган иқтисодий муаллимлари моддий жиҳатдан қўллаб-қувватламоқда.

Унинг қатнашчилари жамғарма ташкил этилган пайтдан буйв ўтган қисқа муддатда истеъодли ёшлар уювун кўпгина фойдали ишлар қилинганини таъкидладилар. Иختисослаштирилган синфлар ва мактаблар очилди, уларида математика ва физика, иқтимоий фанлар чуқур ўрганилмоқда.

Конференция қатнашчилари жамғарманинг фаолиятини яхшилаш юзасидан кўпгина қимматли тақлифлар айтди. Жумладан, уларида фондда фойдаланувчи бўлиш учун солиқ солишда имтиёз бериш тартибин ишлаб чиқишни тақлиф қилдилар. Тошкентда мутахассислар тайёрлагани халқро марказ барпо этиб, унга хорижий дорилфунуналари муаллимларини тақлиф қилиш зарур. Бу марказда кўпроқ истеъодли ёшлар ўзларини касбкор даражасини

ошириш имкониятига эга бўладилар. Ўзбекистон вилоятларида ва Қорақалпоғистонда жамғарманинг бўлимларини очиб мақсадга мувофиқдир. Анқуманда жамғарманнинг кенгаши сайланди. Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг биринчи котиби А. Н. Носиров жамғарма кенгаши бошқарувининг раиси этиб сайланди. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг бош илмий котиби Қ. Гуломов раис ўринбосари бўлди. Конференцияда Ўзбекистон ССР Президент Кенгашининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Э. Самандаров нутқ сўзлади. (ЎзТАГ мухбири).

БОЗОР БУСАҒАСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши иқтисодий ислохот, бюджет сибсати ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш янги комитетининг аъзолари ўзларининг биринчи мажлисида республиканинг секин-аста бозор муносабатларига ўтиши билан боғлиқ муаммоларни муҳомама қилдилар. Мажлисини комитет раиси вазифасини бажарувчи Э. Н. Хўжаев олиб борди.

умумхалқ муҳомамасига қўйишга қарор қилди. Комитет мажлисида Ўзбекистон ССР Давлат бани ва Уставининг лойиҳаси маъқулланди ва Ўзбекистон ССР Давлат бани бошқарувининг тартибин ва раҳбарларнинг лавозимлари муошлари тасдиқланди. Депутатлар «Ўзбекистон ССРда хорижий сармоялар тўғрисидаги Ўзбекистон ССР Қонунынни амалга ошириш юзасидан комитет тақдирларини кўриб чиқиб тасдиқладилар. Мажлисда янги комитетнинг 1991 йил иқтисодий яридаги иш режалари тасдиқланди. (ЎзТАГ).

СССР ДАВЛАТ БАНКИДАН

СССР ДАВЛАТ БАНКИНИНГ 1992 ЙИЛ НУХСАСИДАГИ МЕТАЛЛ ТАНГАЛАРИНИ МУОМАЛАГА ЧИҚАРИШГА ТАЙЁРЛАШ ҲАҚИДА

СССР Давлат банкнинг 1992 йил нухсасидаги металл тангаларини 1992 йилнинг бошларида чиқариш кўзда тутилмоқда ва бу иш «СССР Давлат банки тўғрисида»ги ССР Қонунига мувофиқ амалга оширилади. Тангаларнинг тасвири, уларни муомалага чиқаришнинг аниқ қуни ва тартиби матбуотда қўшимча равишда эълон қилинади.

ОЛТИ ВИЛОЯТ ҲАМКОРЛИГИ

Андижон водийининг олти вилояти: Фарғона, Наманган, Андижон, Ўш, Жалолобод, Ленинобод қасаба уюшмалари кенгашларининг нақиллари узаро фикр алмашиш учун йиғилдилар.

Биринчи марта ташкил этилган бу учрашув қатнашчилари узаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашни ўз олдларига мақсад қилиб қўйдилар. Фарғона водийида 5 миллиондан зиёд аҳоли яшайди. Бу кичикроқ бир мамлакат аҳолисиға тенг. Агар бу аҳоли иноб бўлса, кўп муаммоларни осонликча ҳал қилиш мумкин. Фарғонада йирик саноат корхоналари, Ўш, Жалолободда яхши дам олиш масканлари, Андижонда кичик корхоналар кўп. Албатта уларнинг тажрибалари анча ўрганишга лойиқдир.

Водий ИСТИҚВОЛИ

Уш вилоятининг вакиллари туризмни ривожлантириш ҳақида фикр қилинганлар. Марказий курорт шаҳарларига боғлиқ аниқ қилинаётган қонди. Шу босдан айни пайтда Уш вилоятининг соя-салқин, хушманзаро, баҳаво жойлариди санаторийлар, пансионатлар, дам олиш уйлари қуриши керак. Бу ишда вилоятлар ҳамкорлиги жуда зарур. Меҳмонлар Андижондаги ижара пудрати асосида ишлаётган 2511-автоконионада, Балиқчи ноҳиясида «Социализм» жамоа хўжалиги дала шийпонида бўлдилар. Олти вилоят вакиллари уш учрашув қасаба уюшмалари ҳамкорлигини мустаҳкамлаш йўлидаги катта қадам, деб баҳоладилар. Кўпчилигининг тақлифига биноан Андижон мувофиқлаштирувчи кенгаш маркази қилиб белгиланди.

А. ҚУРОНОВОВ, «Совет Ўзбекистони» мухбири.

СПОРТ

«СОВРИН «ТРАКТОР»-ДА

Ян-йилд майдонга Тошкентнинг «Трактор» ва Андижоннинг «Наврўз» футболчилари тушишди. Улар «Пахтакор-1979 йил» аъзолари хотираси учун ўтказилган мусобақани ҳал қилувчи мусобақани куч синашди.


«Трактор» иккинчи лига ўрта Осен минтақаси жамоалари баҳсининг карвонбоши бўлса, андижонликлар эса ўзиндан-ўзинга маҳоратини ошириб боришаётди. Унинг ҳаяжонли кечиди. Биринчи бўлимда тракторчилар сардори С. Қовшов «Наврўз» дарвозасига тўп йўллаб ҳисобни очди. Иккинчи бўлимда ҳам тошкентликларнинг устунлиги яққол сезилиб турди. Улар ўз рақибларини яна уч бор ўзининг марказдан бошлашга мажбур этишди. «Трактор» 4:0 ҳисобида ғолиб келиб соврин эгаси бўлди.

ШАХМАТ

КИМ ҒОЛИБ ЧИҚАРКИН? Шахмат мухлислари учун яна ҳаяжонли дамлар бошланди. Даъвогарларнинг баҳсида соғалар юритилди. Чорак финал босқичларида қатнашаётган шахматчиларнинг ярмини Совет Иттифоқи вакиллари ташкил этишди. Булар жаҳоннинг собиқ чемпиони А. Карпов, А. Юсупов, В. Иванчук, В. Гельфандлардир. Қуръа ташлангандан кейин дастур маълум бўлди. Биринчи кун партия ўйналанди, эртаси кун иккинчи партия ўйини давом эттирилди. Ғолиб тўплаган оқчаларга қараб аниқланди. Кейинги босқичга тўрт шахматчи йўл олади. Чорак финал босқичининг қатнашчилари билан таанишинг: Б. Гельфанд — Н. Шорт (Буюк Британия), Я. Тимман (Голландия) — В. Корчной (Швейцария), В. Иванчук — А. Юсупов, А. Карпов — В. Ананд (Хиндистон). Дастлабки партиялар ўйналди. Б. Гельфанд қоралоналарни суриб, ўз рақибини еғди ва ҳисобда олдинга тўти олди. Я. Тимман — В. Корчной, В. Иванчук — А. Юсупов ўйналариди томонлар дурнганга роизи бўлишди. А. Карпов билан В. Ананд учрашуви кечиктирилди.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Х. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (маъсул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМАЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта кўриш ва иқтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; иқтисодий ва ҳайв — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими, — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий вазанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; беватини — 32-57-22. ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«СОВЕТ ЎЗБЕКISTONИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583. Бузуртга № 5811. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 24.00. № 155.